# Хабар

HABAR

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

**Сотувда эркин нархда**

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 24 март № 12 (137) •**


# ВАТАНИМ, МУБОРАК БЎЛСИН НАВРЎЗИНГ !

**Эркин ВОҲИДОВ**

## НАВРЎЗ НАШИДАСИ

Юртим!
Илҳомимга сарчашма ўзинг,
Бирдек азиз менга ёзинг ҳам кузинг.
Бугун баҳорингга шеър
айтмоқчиман,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.

Яна олам бўлди яшил, серфусун,
Яна қизғалдоқлар очилди гулгун.
Бу йилги кўкламинг ўзгача бутун,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.

Қаттиқ қишдан чиқдинг зах тортиб,
ҳориб,
Ердан чиққан каби бойчечак ёриб.
Бағрингдан муз кетди ҳамалга бориб,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.

Қир яшил, боғ яшил, бўстондир яшил,
Баҳорий либосда жаҳондир яшил,
Эрк яшил, истиқлол, имондир яшил,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.

Бошингда ҳуррият қуёшинг бордир,
Ўз Тугро, Байроғинг, Юртбошинг
бордир,
Мақсадинг, ғайратинг, бардошинг
бордир,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.

Ёш чинорсан ўзни тутиб оларсан,
"Илик узилди"дан ўтиб оларсан,
Юзлаб баҳорларни кутиб оларсан,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.

Бугун далаларга қадалган уруғ,
Иншооллоҳ, ризқу баракот тўлуғ,
Эй, умид ўлкаси, эртаси улуғ —
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.



## "ХАБАР" — УЧ ЁШДА

**Наврўз айёми куни дунёга келган алоқачилар газетаси ўзига хос йўлни босиб ўтди. Ўтган даврда унинг ижодий жамоаси соҳа заҳматкашлари ҳаётини баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилди. Газета саҳифаларида электр алоқа, почта хизмати кўрсатиш, матбуот тарқатиш борасидаги муаммоларга кенг ўрин берилди. Фахрийлар босиб ўтган ҳаёт йўлига алоҳида эътибор қаратилди.**

**Газета ижодий жамоаси яхши ниятлар билан иш кўрмоқда. Асосий мақсадимиз — газетани янада мароқли, сермазмун қилиб, муштарийлар кўнглига йўл топишдир. Газетамиз ташкил топганига уч йил тўлди. Қутлуғ кунда дунёга келган нашримиз тўғрисида муштарийлар фикрини билиш мақсадида уларга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.**

**1.Сизнингча, "Хабар" газетаси соҳага дахлдор яна қандай муаммоларга кўпроқ эътибор бериши лозим?**

**2. Муҳарририятга қандай тилакларингиз бор?**

**Равшан АСҚАРОВ, Алоқа вазирлиги бош мутахассиси:**

— Камина "Хабар" газетасининг доимий мухлисиман. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитидаги қийинчиликларга қарамай газетада берилаётган мақолалар ранг-баранг бўлиб боряпти.Бироқ соҳага оид муаммоларни кескинроқ кўтариш керак деб ўйлайман. Бундан ташқари, янги-янги рукнлар очиш лозим. Унда корхона ва ташкилот раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашишсин. Бу эса газетани янада қизиқарли қилади.

Иш бор жойда камчилик бўлади. Матбуотда ҳамма нарса ярқ этиб кўзга ташланиб туриши керак. Шу боис ҳам газета саҳифаларида кескин танқидий мақолалар ва уларнинг натижалари ҳақида маълумотлар бериб борилса айни муддао бўларди.

Тилагим — газета ижодий ходимларининг қаламлари доимо ўткир бўлсин. Келгусида ҳам Нарўзи оламнинг газетанинг таваллуд сонларини нишонлаш барчамизга насиб этсин.

**Норқул НОРМАҲМУДОВ, алоқачи-муха тис, Самарқанд вилояти:**

— Маълумки, ушбу нашр жумҳурият алоқачиларининг кўзгусидир. Шу боис ҳам унинг чиқишини янада жонлаштириш лозим. Жойлардаги корхона раҳбарлари жамоаларда ишни қандай ташкил этишгани хусусида ўз фикрларини билдиришса. Муҳарририят иқтисодий масалаларга кўпроқ эътиборни қаратса яхши бўларди.

Қишлоқ жойлардаги алоқа соҳаси ачинарли аҳволда. Мана шу ҳақда жуда кам мақолалар берилади. Келгусида имкон қадар бу мавзуларга эътиборни қаратган маъқул.

Газета ҳали ёш бўлишига қарамай, алоқа соҳасининг ичига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Наврўзнинг қутлуғ кунида дунёга келган ушбу нашрнинг барча ходимларига омад тилайман.

**Облоқул АШУРҚУЛОВ, Сирдарё вилоятининг Ховос туманидан:**

— Алоқачилар газетасига менинг ҳам ишқим тушиб қолган. Ўзим ўқитувчилик қилсамда, уч йилдан буён "Хабар"та обуна бўламан. Газета келгусида ҳам алоқа соҳасига дахлдор мақолалар, қизиқарли суҳбатлар ва бошқа мавзулардаги материалларни ёритиб борса, ўз ўқувчилари эътиборидан тушмайди деб ўйлайман. Шунингдек, газета саҳифаларида телефон хизматидаги камчиликлар, айниқса чекка қишлоқлардаги телефонларнинг ҳозирги аҳволи хусусида батафсил мақолаларга кенг ўрин бериш зарур.

Истагим — газета ходимларининг ижодий фаолиятлари серунум бўлсин, оилавий қўрғонларини эса тотувлик ва танисиҳатлик ҳеч қачон тарк этмасин.

**Суҳбатларни Иззат АҲМЕДОВ ёзиб олди**

## АРДОҚЛИ СОВҒА

Савоб сўзини ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Кўплар уни инсоний фазилат деб билсалар, баъзилар шунчаки инсоний бурч деб қарашади. Наврўз айёмида хайру-саховат кўрсатиш халқимизнинг яхши анъаналаридан ҳисобланади.

"Матбуот тарқатиш уюшмаси" ҳиссадорлик жамияти байрам арафасида ана шундай хайрли ишга қўл урди. Улар Тошкент шаҳар халқ таълими марказига қўнғироқ қилишиб, 12 та болалар уйи, мактаб-интернатларининг рўйхатини олишди. Сўнг жамоа билан болаларга қандай совға олишни маслаҳатлашишди. Шундан сўнг жами 60 минг сўмлик совға — дафтар-қалам, рангли китобчалар, фломастерлар сотиб олинди ва шу куниеқ болакайларга элтиб берилди.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

*• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар*

• Мустақил Республикамизнинг ҳамма ерида Наврўз байрами катта тантана ва зўр шодиёналар билан нишонланди. Жумладан, Ўзбекистон миллий боғида ўтказилган тантаналарда Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон халқини гўзал баҳор айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этиб, табрик нутқи сўзлади.

**• "Ўзбекистон" нашриёти Президентимиз Ислом Каримовнинг "Истиқлол ва маънавият" китобини босмадан чиқарди. Унда Юртбошимизнинг маъруза ва нутқлари, асарларида баён этилган маърифат ва маънавиятга оид фикрлари жамланган.**

• Жумҳуриятимиз бўйлаб ўтказиладиган 26 март — Умумхалқ референдумига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда Референдумга бағишлаб йиғилишлар ўтказиляпти. Шундай йиғин Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтди.

**• Сирдарё вилоятидаги газеталар сони яна биттага кўпайди. Наврўз байрами арафасида Мирзаобод туманида "Мирзаобод" газетаси чиқа бошлади.**

• Наврўз арафасида Тошкентдаги "Алпомиш" спорт саройида профессионал боксчилар ўртасида биринчи республика чемпионати бўлди. Олти нафар ғолибга "Олтин"белбоғ берилди, улар пул мукофотлари ҳамда ҳомийларнинг махсус совғалари билан тақдирландилар.

**• Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани ҳокимининг қарори билан туман маркази ҳудудида Ғалабанинг 50 йиллигига атаб истироҳат боғи ташкил этилмоқда. Бунинг учун салкам 2 гектар ер майдони ажратилди. Янги тикланаётган ушбу боғ "Ғалаба боғи" деб аталадиган бўлди.**

• Термиз Давлат дорилфунуни қошида республикада ягона Маънавият академияси ташкил этилди. Академияга республиканинг таниқли олимлари, давлат арбоблари жалб қилинади.

**• Озарбойжон парламенти жамоа ва давлат хўжаликларини ислоҳ қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу қонун қишлоқдаги ҳозирги қийин аҳволдан чиқиш имконини бераркан.**

• Россия мудофаа маҳкамаси раҳбарлари Чеченистондаги федерал қўшинлар бу ердан тўла-тўкис олиб чиқиб кетилиб, улар ўрнини ички ишлар вазирлиги бўлинмалари эгаллаганини маълум қилди.

**• БМТнинг Хорватиядаги тинчликни сақлаш кучлари тақдири шу йил март ойининг охирида ҳал бўлиши лозим. Копенгаген шаҳрида БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий ва Хорватия президенти Франво Тужман ўртасидаги учрашувда шу ҳақда келишиб олинди. Аммо бу муддат янада узайтирилиши кутилмоқда.**

• Энди Эронда ишлаб чиқариладиган гиламлар ҳужжат билан тасдиқланадиган бўлди. Мамлакат давлат гилам компанияси раҳбари Муҳаммад Ризо Обиднинг айтишича, жаҳон бозорлари сохта Эрон гиламлари билан тўлиб-тошиб кетаётганлиги учун шундай йўл тутишга мажбур бўлинибди.



# АЛОҚА ИЧИДАГИ АЛОҚА

**Почта деганимизда одатда хат, жўнатма, пул ва шу кабиларни қабул қилиб, маълум бир манзилга етказувчи алоқа муассасаси тушунилади. Бугунги кун почтасини эса электр алоқасисиз тасаввур этиш мушкул. "Тошкент почтаси" корхонасининг электр алоқасини муҳандиси Ф. Ш. Шарипова билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.**

**— Флюра Шараповна, почта корхоналарида электр алоқаси хизматининг бугунги вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ҳаётимизни, шу жумладан почта хизматини ҳам электр алоқасисиз тасаввур этиш қийин. Корхонамиздаги хизмат турлари ҳам ранг-баранг ва кўп қирралидир. Улар мижозларимиздан шошилинчномаларни қабул қилиш, манзилга етказиш, шаҳарлараро телефон сўзлашувларини почта бўлимларида ташкил этиш, ҳужжатларнинг асл нусхасидан узоқ шаҳарларга телефон симлари ва каналлари орқали нусхалар узатиш билан бир қаторда, почта хизмати корхоналарининг электр алоқасига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва иш жараёнларида бошқа шаҳарлар билан телефон орқали боғланишга зарурат туғилганда шундай алоқаларни таъминлашдек вазифаларни бажаради.

**— Электр алоқаси турлари ичида энг "кексаси" телеграф бўлса керак?**

— Телеграф ҳақиқатдан ҳам электр алоқаси турлари ичида энг қадимийси ва кўп тарқалганидир. "Тошкент почтаси" корхонаси тасаруфидаги 162 та почта бўлимининг 161 тасида шошилинчномалар қабул қилинади. 38 тасида эса телеграф аппаратлари ўрнатилган. Улар мижозлардан шошилинчномаларни бевосита қабул қилиб олиш ёки узатиш имконига эга. 5 та почта бўлимида эса мижознинг кўз олдида шошилинчномалар матни аппаратда терилиб, мижозга маъқул бўлгач, керакли манзилга зудлик билан ва бехато узатилади.

**— Шаҳримиздаги деярли барча АТСлардан код орқали бошқа шаҳарларга чиқса бўлади. Шунга қарамай почта бўлимларида шаҳарлараро сўзлашувга буюртма бериб, навбат кутиб турганларни учратиш мумкин...**

— Шаҳар АТСларидан код орқали автомат тарзда бошқа шаҳар абонентлари билан боғланиш имконияти яратилгач, почта биноларида шаҳарлараро сўзлашув учун навбат кутиб турувчиларнинг сони камайди. Ҳозирги мижозларнинг аксариятини талабалар, меҳмонлар ва уйига телефон туширилмаган одамлар ташкил этади. Ходимларимиз аввал буюртмадаги шаҳар кодини, кейин керакли абонентнинг телефон рақамини териб, шундан кейингина мижозларни улайди. Код билан чиқишнинг техник имконияти йўқ шаҳар ва аҳоли пунктларига эса 07 телефони орқали буюртма берилади. Почта бўлимларининг буюртмаси шаҳарлараро телефон станциясидаги шошилинч буюртмалардан сўнг биринчи навбатда бажарилади.

**— Ҳужжатлардан нусхалар узатиш ҳақида ҳам гапирган эдингиз.**

— Бир вақтлар бу иш фототелеграфлар орқали бажариларди, аммо улар ўзини оқламади. Ҳозир бу иш жуда оддий, лекин ишончли усул — телефакслар билан амалга оширилади. (Афсуски, ҳозирча телефакс фақатгина почтамт биносидаги почта бўлимидагина мавжуд). Бунинг учун узатиладиган ҳужжат, чизма, сурат ва ҳоказоларнинг ҳажми ёзув қоғозининг ҳажмидан катта бўлмаслиги ва узатилаётган ҳужжат тасвирини қабул қилиш учун иккинчи томонда ҳам факс аппарати бўлиши лозим. Телефакснинг яна бир қулай томони шундаки, қабул қилувчини узатилаётган ҳужжат нусхасининг сифати қониқтирмаса ёки ҳужжатдан бир неча нусха керак бўлса, факсдаги телефон орқали шу заҳотиёқ керагича нусха олиш мумкин. Ҳозир жуда кўп ташкилот ва корхоналарда телефакслар ишлаб турибди.

**— Ишингизни алоқа ичидаги алоқа дейиш мумкин экан. Бунинг устига Алоқа вазирлиги тасаррufидаги электр алоқаси корхоналари фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ экан. Шу хусусдаги фикр-мулоҳазалар ва режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.**

— Почта хизмат тизимида электр алоқаси бўйича кўрсатилаётган хизмат турлари ўзига хос ўринни эгаллайди. Иш юзасидан Тошкент телефон-телеграф станцияси ва Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси билан бевосита ва доимий мулоқотда бўлиб турамиз. Тошкент шаҳар телефон тармоғида турли лавозимларда узоқ йил ишлаганим учун тармоқ ва телефон-телеграф иши билан ҳам яхши танишман. Шу боис иш жараёнида вужудга келадиган масалаларни зудлик билан ҳал қилишга унчалик қийналмайман.

Ҳар қалай, телеграф соҳасида ва Марказий телеграфда ҳеч қандай муаммолар йўқ. 30 та почта бўлимида иш ҳажмига қараб турли миқдорда сўзлашув кабиналари ўрнатилган. Телефончиларимиз код ёки 07 телефони орқали коммутатор ёрдамида мижозларни маълум хоналарга таклиф этадилар. Биз — почтадаги электр алоқа ходимлари мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун қўлимиздан келган барча чораларни кўряпмиз.

**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ суҳбатлашди**

# ТЕЛЕФОН ОДОБИ

Сарлавҳани ўқиган муштарий телефон одоби нимаси дея ҳайрон бўлиши ҳам мумкин. Бердисини айтгунча хулосага шошилманг. Бир лаҳза шундай ҳолатни тасаввур қилинг: зарурат юзасидан идорага ёки хонадонга телефон қиляпсиз. Керакли рақами тергач, у ёқда гўшакни кўтарган кишига ихлос ила "Ассалому алайкум" дея салом берасиз. Шунда у ёқдан саломга алик ўрнига томдан тараша тушгандек "Ким бу?" деган беписанд овоз эшитилади. Устингиздан бир челак сув қуйилгандек ҳафсалангиз пир бўлади. Агар у телефондаги овоз ёш боланики бўлса, "Аввало саломга жавоб бериш керак" дея телефон одобидан андак сабоқ бериш мумкин. Агар у каттароқ ёшдаги одам бўлсачи? Менга ўргатманг, ўзим биламан дея сизни баттар мулзам қилса-чи?



**29-АТСнинг илғор хизматчиларидан Татьяна Бабишева ва Шаҳноза Жабборовалар иш устида.**

Хуллас, юқоридагига ўхшаш ҳолатларни ҳар биримиз бошимиздан кечирганмиз. Кўряпсизки, бу масала сиз ўйлагандан кўра анча жиддийроқ экан.

Маълумки, телефон зарур хабарларни билдириш, ҚИСҚА СЎЗЛАШИШ, иш юзасидан ёки оилавий юмуш юзасидан ахборотлар олиш учун яратилган. Шунинг учун ҳам телефондаги гап қисқа ва ихчам, аниқ-лўнда бўлиши лозим.

Телефон хизмати тез, оддий ва қулай бўлгани учун алоқанинг бошқатурларига қараганда тобора оммалашиб, халқ хўжалигининг ҳамма микёсига, кундалик турмушга, ўзаро муносабатларимизга чуқур сингиб бормоқда. Ҳар қандай техник имкониятлардан, жумладан, телефон хизматидан ҳам тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим. Телефоннинг вақтни тежаши, мулоқотни енгиллаштириб, ўзаро алоқани осонлаштириши сизга маълум. Лекин ундан кўп ва мақсадсиз фойдаланиш эса бўш вақтингизни қисқартиришга, иш унумини пасайтиришга сабаб бўлади, одамнинг оромини бузади. Ўзаро мулоқотни ғариблаштиради.

Кўпгина корхоналар, муассасалар ишини телефон хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иш вақтининг 27 фоизи телефонда гаплашувга сарф бўлиши ҳисоблаб чиқилган. Бу фақат иш юзасидан сўзлашувга кетган вақтдир. Албатта, бунда иккинчи даражали гапларни, ортиқча эзмаликни чегириб ташлаш осон эмас.

Японияда хизматчилар учун махсус мақтаб, бизнингча атаганда, малака ошириш курслари мавжуд. Унда бошқа соҳалар, қатори ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШИШ САНЪАТИ ҳам ўқитилади: телефонда икки дақиқада ҳар қандай саволга хушмуомалалик билан, қисқа жавоб бера олиш керак.

Маълумки, товуш асаб тизимини кучли қўзғатувчилардан ҳисобланади. Сукунатни бузадиган, тез-тез ва тўсатдан бўладиган телефон қўнғироғи эса асабга ёмон таъсир этади.

Кўпинча телефонда овоз ёмон эшитилади. Шу боис айрим кишилар телефонда бақириб гапирадилар. Бундай ҳолат иккала гапирувчинингина эмас, балки ўша пайтда уларнинг ёнида бўлган кишиларнинг ҳам асабини бузади. Шунинг учун телефонда гапириш тарзи ҳам маълум аҳамиятга эга.

Телефон трубкасининг қанчалик тез олиниши ҳам гаплашувчининг асаб-психикасига таъсир қилиши мумкин. Асабий кишилар сабри чидамай гўшакни тез — биринчи қўнғироқдаёқ кўтарадилар, Оқибатда бундай ҳолларда телефон кўпинча узилиб қолади. Одатда, гўшакни икки-уч қўнғироқ бўлгунча бамайлихотир кутиш ва шундан кейингина гўшакни кўтариш лозим.

Бемаҳал, бемаврид жаранглаган телефон қўнғироғи, хоҳ у янги йил табриги ёки бошқа яхши тилак бўлмасин, кишида яхши таассурот қолдирмайди. Истисно ҳоллардаги ўта зарур гап бўлмаса, кеч соат ўндан сўнг бировни телефонда безовта қилмаган маъқул.

**Ш. АКБАРОВ тайёрлаган**

## • АЛОҚА МАТБУОТ КЎЗГУСИДА

# ХАТДИР КЎНГИЛ ДАФТАРИ

Почта яшчиги илк бор қачон пайдо бўлганини аниқлаш мушкул иш. Аммо бу кўримсизгина, беқиёс нарсанинг яратилганига камида беш аср бўлган дейиш мумкин.

Португалиялик денгизчи Бартолемей Даиш 1500 йили Жанубий Африка қирғоқларида аёвсиз тўлқинларга дуч келади. Қутурган тўфонлар ичра кўпгина денгизчилар, жумладан Даишнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Жамики кемалар орасида фақат биттаси омон қолади. Ватанга жўнаш олдидан омон қолган экспедиция зобити бўлиб ўтган воқеани ёзиб, ботинкасига солади ва қирғоқда ўсиб турган дарахт шохига илиб қўяди. Орадан бир йил ўтгач, Жуан да Нова деган бошқа денгизчи худди шу йўл билан Ҳиндистонга жўнайди. У Жанубий Африка қирғоғидаги ўша ботинка осиғлиқ турган жойда тўхтаб, хатни ўқийди ва бу ерда ибодатхона қуради. Ибодатхона ёнида одамлар яшайдиган қишлоқ пайдо бўлади, ҳалиги ботинка эса маҳаллий аҳоли учун почта яшчиги вазифасини ўтай бошлайди.

* * *

Хатни асалари уясига ташлаш фикри кимдан чиққан? Бошқача айтганда, почта яшчикларини асалари уяси ёки панжасида катта ёнғоқ ушлаб турган олмахон шаклида ясаш кимнинг хаёлига келган? Бу яшчикларнинг пайдо бўлиши бевосита голланд деҳқонларининг топқирлигига боғлиқ.

* * *

Индонезиядаги мўъжазгина Бабар ороли аҳолиси почта маркаларини тан олишмайди. Улар хатжилд (конверт)ларга марка ўрнида қушларнинг ранг-баранг патларини ёпиштирадилар. Таажжубланарлиси шуки, бундай "марка"ли хатлар манзилгоҳларга етиб боради, устига пул тўлаш ҳам шарт эмас.

* * *

Эфте деган немис шаҳарчасидаги улкан эман дарахти юз йилдан зиёд вақт мобайнида севишганлар учун почта яшчиги вазифасини ўтамоқда. Бундай антиқа почта хизматига Эмилия деган шу ерлик қизга ошиқ бўлиб қолган бир саёҳатчи асос солган. У севгилисига ёзган хатларини ана шу дарахт ковагига қўйиб кетарди. Кейинчалик ошиқ-маъшуқлар муроду-мақсадларига етадилар. Яқин атрофдаги аҳоли бу севги тарихини эшитиб, эмандан шу мақсадда фойдалана бошлайдилар. Қизиғи шундаки, севги хатлар туриб қолмайди. Почтачи юрак р озлари битилган мактубларни ўз вақтида олиб, керакли жойга юбориб туради.

* * *

Галапагосс оролларидан биридаги қирғоқда машҳур бочка ўрнатилган. Унга "Почта учун" деб ёзиб қўйилган. Бу "почта яшчиги" кўп йиллардан буён денгизчиларга хизмат қилиб келмоқда. Уни ҳар хил бало-қазолардан ҳимоя қилиш ёзилмаган қонунга айланган. Қирғоққа лангар ташлаган ҳар бир кемадаги усталар почта бочкасини таъмирлашни ўзлари учун шараф деб ҳисоблайдилар.

# ҚУТЛОВЛАР

Республика касаба уюшмалари фаолиятининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолларидан бири гуруҳи Республикамиз Президентининг Фармони билан мукофотланди. Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси **Тоҳир НАЗАРЖОНОВ** борлиги бизни қувонтирди. Газетамиз жамоаси Тоҳир Назировични ушбу мукофот билан қизғин қутлаб, кейинги ишларида муваффақият тилайди.

***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази халқаро мукофотлар қўмитаси Наврўз байрами арафасида кўпгина муаллифларни мукофотлади. Газетамизнинг Жамоатчилик кенгаши аъзоси, таниқли ёзувчи **Нурали ҚОБУЛ** ҳам Халқаро Яссавий мукофтига сазовор бўлди. "Хабар"нинг кўп минг сонли муштарийлари номидан Нурали ҚОБУЛни ушбу мукофот билан қутлаб, унга ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

**Абу Райҳон Беруний**

## НАВРЎЗИ ОЛАМ ТАВСИФИ

**"Қадимги халқларнинг ёдгорликлари"дан**

Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони таъқозо этади. Наврўз эронликларнинг зижлари бўйича ўтмиш замонлардан, улар йилларни кабисали қилган вақтларида қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилган, баҳорда келадиган бўлди йил унга хизмат қиладиган бир вақтда яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган.

Баъзиларнинг айтишида, Наврўз худо махлуқотни яратган олти куннинг биринчисдир. Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замонанинг икки кўзидир.

Ал-Маъмун Али ибн Муса ар-Ризодан Наврўз ҳақида сўраганларида у: "Наврўз фариштала улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар. Уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар. Чунки Қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар улуғлаганлар. Бинобарин, у замонанинг биринчи кунидир",- деганди.

Абдусаммат ибн Алидан ривоят қилинишида, у бу ривоятни бобоси Абдулло ибн Аббосга олиб бориб тақайди. Наврўз куни пайғамбар Алайҳи-с-Саломга ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Шунда пайғамбар: "Бу нима?"-деган. "Наврўз",-деб жавоб берганлар. Пайғамбар: "Наврўз нима?-деб сўраган. "Ажамликларнинг улуғ ҳайити",-деб хабардор қилишган. "Тўғри, бу шундай бир кунки, худо бунда аскарани тиргизган",-деган. "Аскара нима?"-деб сўраганлар. Пайғамбар: "Улар мингларча бўла туриб ўлимдан қўрқиб, ўз мамлакатларидан қочган одамлардир, шунда Аллоҳ уларга: "Ўлинг!" -деган. Сўнгра уларни шу Наврўз кунида тирилтириб руҳларини ўзларига қайтарган. У осмонга буюрган. Осмон уларнинг устига ёмғир ёғдирган. Шунинг учун одамлар Наврўз куни сув сепишни расм қилиб олганлар",-деган. Кейин Пайғамбар ҳолвани тановвул қилиб жомни синдириб, суҳбатдошларига тақсим этган ва: "Кошки биз учун ҳар куни Наврўз бўлса эди", деган.

Эронликларда Наврўз куни бир-бирларига шакар ҳадя қилишган. Бағдод мубади Озарободнинг ҳикоя қилишича, бунинг сабаби, Наврўз куни Жамшид мамлакатида шакар пайдо бўлган, бу шу вақтгача билинмаган эди. Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаганини кўрган. Уни татиб қараган, унда лаззатли ширалик борлигини билгач, сувини чиқариб, ширасидан шакар олишни буюрган. Шакар бешинчи куни кутариб бўлинган ва табриклаш учун уни бир-бирларига ҳадя қилганлар. Меҳржон байрамида ҳам бу маросим ўтказилган.

Юнон олимлари ва донишмандларининг кўпчилиги кўтараётган ёритқични Қалб -ал-Жабборнинг кўтарилиш вақтидан деб билар, йил бошини баҳорги кеча-кундуз барobarлигидан эмас, ўша вақтдан ҳисоб қилганлар. Чунки унинг кўтарилиши ўтмиш замонда шу ёзги Қуёш туришига ва унинг яқинига тўғри келади. Наврўз куни ўз вақтидан шунчалик сурилиб кетибдики, ҳатто бизнинг замонамизда қуёшнинг Ҳамал буржига кирган вақтига, яъни баҳорнинг бошига тўғри келадиган бўлди. Кейин Наврўзда отлиқ аскарларга баҳор ва ёз кийимларини кийгизиш Хуросон подшоҳларига расм бўлиб қолди. Фарвардин ойининг олтинчи куни, яъни Рўзи Хурдод — Катта Наврўз бўлиб, эронликларда шаъни улуғ ҳайитдир. Айтилишича, бу кунда худо маҳлуқотни яратишдан фориғ бўлган, чунки бу кун айтиб ўтилган олтинчи куннинг охиргисидир. Муштарий соатларидир.

Наврўз куни Жамшид дунёга қайтиб, қуёшдай тўлишган ва ундан нур таралиб турган, чунки у қуёш сингари нурли экан. Одамлар иккита қуёш талуъ этганидан ажабланганлар. Ҳамма қуриган чўплар кўкарган ва одамлар янги кун деб атаганлар. Ҳар ким баракотга эришиш учун тос ёки бошқа идишларга арпа экканлар. Кейин подшоҳлар саройларининг саҳна атрофига етти хил дондан етти тахта экиш расм бўлиб қолган. Буларнинг униб чиқишига қараб шу йил ғаллаларни тўла ёки пуч бўлиши тахмин қилинар экан.

Шу куни Жамшид ҳозир турганларни чақириб ва узоқ кетганларга мактуб ёзиб, эски мақбараларни бузишга ва шундай кунда янги мақбара қурмасликни буюрган. Бу худо рози бўлган бир одат бўлиб қолди.

Жамшид замонида халқ кўпайди, ҳатто уларга ер торлик қилди. Шунда худо ерни турган миқдорига нисбатан уч баробар кенгайтирди, одамларни гуноҳлардан поклаш учун сувда чўмилишни буюрди. Улар худо йил давомида офатларни ўзларидан даф этишлари учун ҳар йили шундай қиладилар.

Навсард. Бу ойнинг биринчи куни сўғдлилар Наврўзи бўлиб, бу катта Наврўздир. Навсарднинг йигирма саккизинчи куни — Бухоро мажусийларининг Ромуш оғом номли ҳайитларидир. Улар шу куни Ромуш қишлоғидаги оташхонага тўпланадилар. Оғом ҳайитлари улар учун энг азиз ҳайитлардан бўлиб, у ҳар бир қишлоқда ўтказилади, улар ҳар қайси қишлоқ раиси ҳузурида йиғиладилар ва еб ичадилар. Бу навбати билан ҳамма қишлоқда ўтади.

Новхарис. Хоразмликларнинг бу ҳайити ҳақида маълумотлар бизгача етиб келмаган.



## НАВРЎЗ УДУМЛАРИ

Наврўз яхшилик худоси ёмонлик худоси устидан голиб чиққан ёки Одам Ато билан Момо Ҳаво учрашган муқаддас кундир. Буюк аллома Умар Хайём бу ҳақда шундай ёзади: "Ҳар киши Наврўзни байрам қилиб, шоду-хуррамлик этса, келаси йил — Наврўз келгунга қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррардир".

Байрам куни одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиши ("ҳаётингиз ширин бўлсин маъносида), гуллар тақдим этиши (гўзал бўлинг маъносида), бир-бирларига сув сепишлари (бу йил сув кўп бўлсин, мўл ҳосил бўлсин маъносида) каби бир қатор одатлар кенг тарқалгандир.

Урф-одатлар ва анъаналар ҳақида кўп гапириш мумкин. Улар халқнинг миллий ва маънавий оламига озуқа берадиган муҳим омиллардир. Қадимий ва навқирон Наврўзнинг кенг миқёсда байрам қилиниши халқимиз руҳини тетиклаштиради. Келажакка янада теранроқ кўз билан қарашга даъват этади.

**• Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан**

## АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; 4) эҳтиёкорлик.

***

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.

***

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

***

Ғаним лашкарини енгиш қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиши эса сипоҳининг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир.

***

Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

***

Агар икки хатарлик (ёки) бир хатарлик ишларни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак.

***

Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй.

***

Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, тангри таолло жасур кишиларни ардоқлайди.

***

Кенгаш икки турли бўлур: бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

# НАВРЎЗ ҲАНГОМАЛАРИ

## ЁВВОЙИ ФАТВО

Кампирлар Турғун мўйловникида сумалак солишибди. Бир томонда қиз-жувонлар чирманда чалиб, лапарга ўйинни улаган, бир томонда шўх болакайлар тўнини тупроққа булаган, меҳмонхонадаги чоллар юртга тўкинлик тилаган. Ўчоқ бошида давра қурган кампирлар болалар ариқдан терган тошчаларни қозонга ташлаётганда баҳордан илҳомланган иккита мушук девор устида қувишиб, кутилмаганда"вағ-вағ"лашганича иккаласи ҳам сумалакка ағанаб тушибди. "Ошиқ-маъшуқлар"ни тезда чўмичда илиб, четга отишибди. Кейин эса бу сумалакни пишириб еса бўладими-йўқми дея маслаҳатлаша бошлашибди. Кампирлардан бири буни Қори бувидан сўраб кўришни маслаҳат берибди. Шунда ҳовли бекаси: "Турғун тоғаларинг Қори бувидан кўп маслаҳат эшитиб юрадилар, олдин у кишидан бир сўраб олсак ҳам бўларди" дебди. Турғун мўйловни чақириб, воқеани айтишибди, энди бу сумалак ҳароммми ё ҳалолми, деб сўрашибди. Турғун мўйлов гердайиб туриб, уларни саволга тутибди:

— Мушуклар деяпсиз, аниғи нечта эди?

— Иккита.

— Улар қайси маҳалда қозонга йиқилди?

— Сумалакка тош ташлаётганимизда.

— Қозонга олди билан тушдими ёки кети билан?

— Калла ташлашди.

Турғун мўйлов қош керганча бирпас мулоҳазаланган бўлиб, сўнг бахшиёна одатига кўра бурро-бурро қилиб деди:

— Агарким бир бокира мушук покиза ариқнинг тоши билан, яна бунинг устига серфаҳм боши билан, яна бунинг устига қонуний умр йўлдоши билан ушбу қозонга тушган бўлса, ундаги сумалак ҳалол ҳам, ҳаром ҳам эмас, инчунун макруҳликка мойилондур.

Ҳеч нарсага тушунмаган "авом" эса сумалакни қайнатишда давом этибди.

## КЎКАТ СОМСА

Усмон тоға девонароқ киши эди. Бир куни онаси қўшни хотинга: "Қизим тушмагур икки ойдан бери хабар олиб кетмайди. Ўлсам азамга ҳам келмайди чоғи" деб арзланаётганини эшитиб қолибди-ю, "ҳайе-ҳут" деб опасиникига жўнабди. Етиб боргач, дарвозадан кирибоқ айюҳаннос солибди:

— Нима қилиб ўтирибсан яшшамагур!

— Мана, кўкат сомса ёпувдим, ҳа, тинчликми?

— Ҳу кўкат сомсага тиқилиб ўлгур. Буёғда нафсингни ўйлаб ўтирганингда уёғда нима бувингдан айрил-и-б қолдинг-ку.

Опаси ҳовлини бошига кўтариб дод солганча кийина бошлабди. Воқеадан тезда хабардор бўлган қўшнилардан уч-тўрттаси унга шерик бўлиб боришга шайланишибди. Ҳовлидан чиқишаётганда Усмон тоға айвондаги саватда турган кўкат сомсаларга тикилганича мулойим товушда дебди:

— Анави сомсалардан бивимга олволсанг-чи, опа.

Опаси анграйганча тўхтаб қолибди.

— Вой, девона бўлмай кетгур, ҳозиргина бувим узилди дединг-ку.

— Тугалай (охиригача демоқчи) узилгани йўқ, — дебди Усмон девона кўкат сомсаларга тикилганича ютиниб, — узилай-узилай деб юрибди.

Шунақа-да, кўкат сомса ўликни тирилтиради, деган гапга беихтиёр ишонгинг келади.

**Анвар ОБИДЖОН**

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги
•
Бош муҳаррир :
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Рустам СОБИТ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
•
Муҳарририятга келган қўлёзмалар [2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим] ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0129 . 12697 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

